Газетамизга обуна бўлиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

# НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий газетаси

www.namhaqiqat.uz | @NamanganHaqiqati_Rasmiy | nam-haqiqat@umail.uz

№11 (19734)
2021 йил
6 февраль
Шанба

1918 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган


Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

## 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юқори иқтисодий ўсишга эришиш ҳисобидан халқимизнинг фаровонлигини ошириш ва кундалик ҳаётидаги муаммоларни ҳал этиш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида:

1. Халқ билан очиқ мулоқот натижалари асосида тайёрланган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури** (кейинги ўринларда – Давлат дастури) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Коронавирус пандемияси шароитида **тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чораларини давом эттириш** мақсадида қуйидагиларнинг амал қилиш муддати **2021 йил 31 декабрга қадар узайтирилсин:**

туризм, транспорт ва умумий овқатланиш соҳаларида фаолият юритаётган субъектларнинг ер ва мол-мулк солиғи бўйича 2021 йил 1 январь ҳолатига қарздорлиги тўланиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969 сон Фармонида назарда тутилган вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларнинг мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича 2020 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, мавжуд қарзига **пеня ҳисобланишини тўхтатиш ва солиқ қарзини мажбурий ундиришга қаратиш чораларини кўрмаслик талаби;**

коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тадбиркорлик субъектларига 2020 йил 31 декабрь ҳолатига қолдиқда турган **мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича берилган фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) суммаси;**

«хуфиёна иқтисодиёт» улушини қисқартириш учун солиқ аудити ўтказишда **«таҳлика-таҳлил»** тизими босқичма-босқич жорий этилган ҳолда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган кичик тадбиркорлик субъектларида **солиқ аудити ўтказилишига мораторий.**

3. **Ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий муҳофазага муҳтож талабаларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ижтимоий адолат тамойилини таъминлаш мақсадида** 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида энг юқори балл тўплаган **200 нафар** ёшлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти жорий этилсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги ва Давлат тест маркази билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президенти грантини ажратиш тартибини ишлаб чиқсин ва олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида балл тўплаган шахслар тўғрисидаги очиқ маълумотларни назарда тутувчи ягона электрон реестрни шакллантирсин;

б) олий таълим муассасасида икки ва ундан ортиқ фарзанди шартнома асосида ўқиётган оилаларга таълим кредити бериш ва талаба томонидан ушбу кредитни ўқиш даври тугагандан сўнг қайтариш амалиёти йўлга қўйилсин.

Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда **икки ой муддатда** мазкур амалиётни йўлга қўйиш ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тижорат банкларига кредитлар учун мақсадли ресурслар ажратишни таъминлаш чораларини кўрсин;

в) олий таълимга ажратиладиган давлат грантлари сони **25 фоизга** ҳамда эҳтиёжманд оилалар фарзанди бўлган хотин-қизлар учун давлат грантлари сони **2 баравarga** оширилсин, шунингдек, хусусий олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлашга давлат гранти бериш тизими жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021/2022 ўқув йили учун ўқишга қабул қилишга давлат буюртмаси параметрларининг тубдан қайта кўриб чиқилишини таъминласин;

г) академик таътил беришнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

академик таътил олишни истаган талабалар **ўз ихтиёрига кўра академик таътил муддатига таълимнинг сиртқи ва масофавий шаклига ўтказилиб** (агар олий таълим муассасасида бундай таълимнинг шакллари мавжуд бўлса), уларга узлуксиз мустақил таълим олиш имконияти яратилади;

**оиласининг бетоб аъзосини парвариш қилиш сабабли анъанавий шаклдаги таълимни давом эттириш имконияти бўлмаган талабаларга** ҳам академик таътилни олиш ҳуқуқи берилади;

талабаларга ўқиш давомида академик таътил берилиши бўйича миқдорий чекловлар бекор қилинади;

академик таътилдан қайтган талабаларни илгари ўзлаштирилган фанлар бўйича қайтадан ўқитиш амалиёти бекор қилинади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда **бир ой муддатда** академик таътил олишни истаган талабалар томонидан сиртқи ва масофавий шаклда мустақил таълим олишни ташкил этиш, олий таълим муассасаларида экстернат тартибида таълим олиш бўйича ҳуқуқий асосларни яратишни назарда тутувчи қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

д) илмий унвон ва илмий даражаларни бериш ваколати **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** республиканинг нуфузли олий таълим муассасаларининг илмий кенгашларига босқичма-босқич ўтказилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** илмий даражали кадрлар тайёрлаш ва олий таълимдан кейинги таълим соҳасида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин.

4. Республикада талаб юқори бўлган касблар бўйича иқтидорли мутахассисларни нуфузли хорижий таълим, илмий ва бошқа муассасаларда тайёрлашнинг самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида **2021 йил 1 апрелдан бошлаб:**

«Эл-юрт умиди» жамғармаси орқали нуфузли хорижий олийгоҳларнинг магистратура ва докторантурасида ўқишга юбориладиган ёшлар сони 5 баробарга оширилсин;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси ҳисобидан хорижда бакалавриат таълим дастурлари бўйича ўқитиш тизими жорий этилиб, 2021 йилда **100 нафар** ёшларнинг хорижга таълим олиш учун юборилиши таъминлансин;

«Эл-юрт умиди» жамғармаси таълим дастурлари бўйича номзодларни саралашни очиқ стипендия танлови асосида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун уларнинг республикадаги иш ва ўқиш жойидан қатъи назар мунтазам равишда ўтказиш амалиёти йўлга қўйилсин;

бакалавриат, магистратура ва докторантурада ўқиш дастурлари учун стипендия танловини нуфузли хорижий таълим, илмий ёки бошқа муассасадан ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги таклифнома асосида ўтказиш тартиби йўлга қўйилсин.

«Эл-юрт умиди» жамғармаси бир ой муддатда давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўрсин.

5. Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси ва Инновацион ривожланиш вазирлиги **уч ой муддатда физика фани ва чет тиллари** бўйича узлуксиз таълим сифати ва натижадорлигини ошириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс дастурларни ишлаб чиқсин:

илмий тадқиқотларни ривожлантириш, таълим ташкилотларида мазкур фанларни ўқитиш методикасини қайта кўриб чиқиш, амалий ва инновацион лойиҳалар танловларини ташкиллаштириш, соҳадаги илмий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш;

янги авлод, шу жумладан, электрон дарслик ва ўқув курсларини яратиш, шунингдек, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини шакллантириш мақсадида ўқув дастурларида амалий ва интерфаол машғулотларнинг улушини кўпайтириш;

хорижий тилларни ўрганиш учун кенгроқ имконият яратиш мақсадида бепул тил ўрганиш электрон платформаларини яратиш;

ихтисослашган мактаб (синф)лар фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш, уларни олий таълим ташкилотлари ҳамда ишлаб чиқариш корхоналари билан ўзаро боғлаш ҳамда хорижий мамлакатлардан ўқитувчиларни жалб этиш.

6. Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда **2025 йилда Ўзбекистонда ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларини ўтказишга** пухта тайёргарлик кўриш ишлари бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва унда қуйидагилар назарда тутилсин:

республикада мавжуд спорт объектлари ва иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмасини ўрганиш натижасида Осиё Олимпия Кенгаши ва халқаро спорт федерациялари талабларига мувофиқ уларни таъмирлаш ёки янгиларини қуриш бўйича таклифларни тайёрлаш;

▶2

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига

## МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН МУТАФАККИР



Навоийдаги ҳуқуқий қарашлар ҳамда фикрларнинг ҳаётийлиги боиси, биринчидан, улуғ шоирнинг фиқҳ (ҳуқуқшунослик) илмини кенг ҳамда чуқур билиши бўлса, иккинчидан, ҳуқуқнинг ижодкори, ташаббускори ва ижрочиси сифатида ўттиз йилдан ортиқроқ давлат ишларидаги фаолиятидир. Навоий шоҳ саройида ғоят юксак обрў-эътиборга – подшоҳга таъсир этишдек нодир ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлган эди. Бу ҳақда Хондамир Ҳусайн Бойқаронинг Навоийга ёзган мактубига асосланиб «Макорим ул-ахлоқ» асарида қуйидаги маълумотни қолдирганди: «Ўзлари биладиларки, ҳеч қачон ўртада такаллуф ва ўзгалик бўлмай, ҳамма вақт сўз шу тариқа кечардики, ул салтанат таянчининг хотирига, хайрихоҳлик ва яхши фикрда бўлиш йўли билан, нимаики келса тўққиз мартагача уни айтишга ижозат берилганди. Бизнинг ҳам ҳамма вақт хотиримизга нимаики келган бўлса, меҳрибонлик юзасидан изҳор қилардик».

Масалан, Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»да ёзишига биноан, «Бир вақтлар Султон (Ҳусайн Бойқаро) «Хоразм вилоятини обод қилиш ва унга турфа бинолар қуриш хаёлига тушиб бинокорлик ва деҳқончилик ишларига яхши аҳамият бериб ҳаракат қилишлари ва жойланиб туришлари учун Хуросон ўлкасидан уч минг хонадонни Хоразмга кўчириш ҳақида мажбурий буйруқ чиқарди».

Амир Навоий фуқароларнинг яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилиб, энг аввало, шахс ва давлат манфаатларини уйғунлаштириш учун жуда қаттиқ туриб, юксак бир маънавий жасорат билан халқни Хоразмга кўчириш масаласи тўғрисида ҳукмдорга тўққиз маротаба эмас, ўн марта арз қилиб, охири маълум бир натижага эришганди. Ҳусайн Бойқаро уч мингта хонадон ўрнига бир қисм, яъни, минг хонадонни кўчиришга қарор қилганди.

Бу хусусда ишончли тарихий манбаларда асосли маълумотлар қуйидагича талқин қилинган: «Навоий арз қилади: «Ўзингиз менга берган фармонингизга биноан, (агарда) ҳар бир иш ўринсиз воқеъ бўлса, тўққиз галгача айтишга ҳақлидирман. (Хуросон) Халқини Хоразмга кўчириш масаласи тўғрисида тўққиз мартаба арз қилдим, натижа бермади. Балки бу аҳволни йўқотиш жиҳатидан ўнинчи мартаба ҳам Сизга бош оғриғи бўлдим ва ўз муддаоимга мувофиқ жавоб тополмадим. Эндиликда (эса) яна бир карра ўз илтимосимни такрорлаш билан қабул қилишларини илтимос қиламан».

Адолатли ҳукмдор бўлса ўз жавобида: «Мен биламанки, Сиз бу борада давлатнинг манфаати учун қаттиқ туриб олдингиз, бироқ салтанатимиз тонги ёриша бошлашидан илгарироқ у мамлакатни обод қилишга қаттиқ киришмоқни ният қилиб қўйганлигимиздан, масаладан бутунлай қайта олмайман. Энди Сиз маъқул кўрсангиз, уч минг уйлукдан тўрт донги (олтидан тўрт қисми, яъни, учдан иккиси) қолиб, икки донги (учдан бири)ни юборишга ҳукм қилдим» деган эди...

Алишер Навоий ўтроқлашиб қолган хуросонликлар Хоразмга мажбурий кўчирилганидан кўра, XII аср саксонинчи йилларида Ҳазорасп ва Хивадан Ҳиротга кўчириб келтирилган наққош, меъмор, ҳунарманд кишиларни ўз эллари – Хоразмга юбориш зарурлигини уқтириб, дўсти Ҳусайн Бойқародан бу ҳақда фармон чиқартириб олган эди («Ҳуррият» газетаси, 2020 йилнинг 7 феврали).

**Бахтиёр ИСҲОҚОВ,**
**НамДУ доценти,**
**«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби.**

(Бошланиши аввалги сонларда. Давоми бор).

Халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

## БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ДЕПУТАТ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 93-моддасига мувофиқ, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи 1-Тошматов сайлов округида бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ўтказиш 2021 йил 7 март кунига белгилансин.

2. Бўшаб қолган ўринга депутат сайловини ўтказиш вилоят сайлов комиссияси (Ш. Мирзаҳмедов) зиммасига юклансин.

3. Вилоят ҳокимлигининг молия бошқармаси (З. Бахриддиновга)га сайлов билан боғлиқ ташкилий, техник тадбирларни амалга ошириш учун белгиланган тартибда зарур бўлган маблағ ажратиш вазифаси топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимлигининг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Б. Бобохонов зиммасига юклансин.

**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси:**
**Ш. АБДУРАЗАКОВ.**

2021 йил 29 январь,
Наманган шаҳри.



## ЖУРНАЛИСТ ВА ҲАЁТ

**Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими Наманган вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг бир қатор етакчи нашрлари муҳаррирлари, таниқли ижодкорлар иштирокида медиа-тур ташкил этди.**

«Журналист ва ҳаёт» лойиҳаси доирасидаги медиа-тур давомида давлатимиз раҳбарининг «Ёшлар форуми»даги нутқи ҳамда шу йил 19 январь кунги Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш, бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини кучайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилган қатор тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раисининг ўринбосари Холмурод Салимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Қобилбек Каримбеков, «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири Чори Латипов, «Жамият» газетаси бош муҳаррири Мақсуд Жонихонов, «Адолат» газетаси муҳаррири Ислом Ҳамроев, «Ҳуррият» газетаси бўлим мудири Гўзал Матёқубова, «Хабар.уз» сайти мухбири Барно Султоновалар вилоятимиз журналистлари вакиллари билан дастлаб «Президент мактаби»да бўлиб, таълим жараёнлари, муддатидан олдин дунёнинг нуфузли олий ўқув юртларида грант асосида ўқиш имтиёзини қўлга киритган ўқувчилар билан мулоқотда бўлдилар.

Медиа-тур иштирокчиларини вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Шавкат Абдураззоқов қабул қилиб, самимий суҳбатда бўлди.

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар, истиқболли лойиҳалар асосидаги интилишлар эътироф этилди.

Вилоят ҳокимининг Давлатобод тумани ҳудудида қад тиклаётган кўп қаватли уйлардан бирини имтиёзли ипотека кредити асосида ижодкорлар учун ажратилиши режалаштирилгани ҳақидаги фикрлари мулоқот иштирокчиларини беҳад мамнун этди.

Медиа-турнинг иккинчи куни Нодирабегим номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишда журналист масъулияти» мавзусидаги давра суҳбати билан бошланди. Қизғин, фикрларга бой, самимий руҳда ўтган мулоқотдан сўнг, бир гуруҳ фаол наманганлик журналистларга уюшма диплом ва совғалари топширилди. Янги нусхадаги аъзолик гувоҳномаларини топшириш маросими ҳам иштирокчиларга кўтаринкилик бағишлади.

Наманган шаҳридаги 5-умумтаълим мактабида ўқувчи ёшлар маънавиятини юксалтириш ва ижодий маданий тарғибот таъсирчанлигини ошириш учун ижодкор тарғиботчи сифатида бириктирилган. «Мураббий» газетаси муҳаррири, «Йилнинг фаол журналисти» Дилбар Ҳайдарова ўзининг ёш истеъдодлар билан олиб бораётган дастлабки ишлари билан таништирди. Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган адабий кеча давомида ёш қаламкашлар томонидан тайёрланган деворий газеталар тақдимоти бўлиб ўтди.

Наманган ёшлар марказидаги «Ёшлар медиа марказидаги» қизғин иш жараёнлари, «Ёш журналистлар мактаби» тингловчиларининг яратилган шароитлардан унумли фойдаланишаётгани меҳмонларга ҳам ғоят манзур бўлди.

Медиа-тур иштирокчилари Марказий Осиёда ягона «Афсоналар водийси» боғида бўлдилар. Тўлиқ фойдаланишга топширилса йилига 600 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатиш имконига эга бўладиган истироҳат боғида айни вақтда 16 турдаги аттракционли тематик парк, 2400 ўринли амфитеатр, 7 хил сув аттракционлари ва 16 та бассейнли аквапарк, 2 та замонавий шаршара ва мусиқали фаввора, 3 та ресторан, 1800 ўринли 2 та автотураргоҳ ташкил этилган. 2022 йил март ойига қадар миллий ҳунармандлар маркази, масжид, 400 ўринли меҳмонхона, 110 та виллани ишга тушириш режалаштирилган.

Давлатобод туманида қад ростлаётган замонавий кутубхона биносидаги бунёдкорлик ҳаракатлари медиа-тур иштирокчиси бўлган журналистларга манзур бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**

Тафаккур

*Ҳар бир ишда шошмовчи чидамли киши, япроқдан ипак, гул баргидан асал ундириши мумкин.*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

# 2017–2021 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БЕШТА УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ БЎЙИЧА ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИНИ «ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ»ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинларига тайёргарлик кўришнинг бош режасини унда белгиланадиган ҳар бир тадбир бўйича молиялаштириш манбаи ва масъул ижрочини кўрсатган ҳолда тузиш;

Осиё Олимпия Кенгаши талабларига асосан ёшлар ўртасидаги IV ёзги Осиё ўйинлари дастурига киритиладиган спорт турларини саралаб олиш ва ўйинлар дастурини ишлаб чиқиш босқичларини белгилаш.

7. **Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш** ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида:

а) **2021 йил 1 июлдан бошлаб** «ҳамширалик иши» билан мустақил шуғулланиш учун ўрта тиббиёт мутахассисларига ўзини ўзи банд қилиш асосида рухсат берилсин;

б) **2021 йил якунига қадар** меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож 900 нафар чин етим битирувчилари уй-жой билан таъминлансин.

Молия вазирлиги кейинги йиллар учун бюджет параметрларини шакллантиришда меҳрибонлик уйларининг уй-жойга муҳтож етим битирувчилари ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлашга маблағлар ажратилишини назарда тутиб борсин;

в) **2021 йилда 22 та** мактабгача таълим ташкилоти бинолари, **31 та** янги мактаб, **16 та** олий таълим муассасалари бинолари, **24 та** соғлиқни сақлаш объектлари ҳамда **23 та** спорт объектларининг қурилиши таъминлансин.

8. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг таълим олиши ва касб эгаллашига кўмаклашиш, оғир касалликка чалинган болаларни даволаш мақсадида **Болаларни қўллаб-қувватлаш фонди** ташкил этилсин ва унинг мақсадлари амалга оширилишини молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **100 миллиард сўм** ажратилсин.

9. Илғор хорижий тажриба ва кенг жамоатчилик таклифлари инобатга олинган ҳолда, **2021 йил 1 июнга қадар ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш**га қаратилган қуйидаги амалиёт жорий этилсин:

муҳтож аҳолини протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш амалиётини **сертификат бериш тизими**га ўтказиб, фуқароларга ўз танловига кўра давлат томонидан бериладиган маблағлар (сертификат) ҳисобидан исталган ишлаб чиқарувчининг протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини сотиб олиш имкониятини яратиш;

ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотларни олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда **ногиронликни муддатсиз даврга белгилаш.**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги **уч ой муддатда** тиббий-ижтимоий хизматнинг мутлақо янги моделини шакллантириш чораларини кўрсин.

10. Пенсия ва нафақаларни тайинлашда **фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш** мақсадида қуйидаги тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2021 йил 1 июндан бошлаб:**

пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;

уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;

ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади;

пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;

пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда – Пенсия жамғармаси) тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида банк мобиль иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;

фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан уйларига чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

11. Пенсия ва нафақалар тўғри тайинланиши ҳамда тўланиши бўйича текширишлар натижасида аниқланган ортиқча тўлов суммасининг **2021 йил 1 февраль** ҳолатига бўлган қарздорлиги ҳисобдан чиқарилсин.

12. Иқтисодиётни ривожлантириш, шу жумладан, **камбағалликни қисқартириш ва узоқ муддатли барқарор иқтисодий ўсишнинг пойдеворини яратиш** мақсадида:

а) ишсиз аъзолари бор оилаларга, жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга деҳқончилик билан шуғулланиш имкониятларини кенгайтириш учун:

деҳқончилик билан шуғулланиш учун, шу жумладан, янги ўзлаштирилган, лалми, фойдаланилмаётган ер майдонларида 0,1 гектаргача ер ажратилиши;

ажратилган ер майдонлари суғориш тизими (артезиан қудуқлар, томчилатиб суғориш тизими ва бошқалар) ҳамда электр энергияси билан таъминланиши;

берилган ерларни ўзлаштириш учун (ер ҳайдаш, уруғ, кўчат харид қилиш ва бошқалар) субсидия ажратилиши йўлга қўйилсин.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** ҳар бир туманнинг имконияти ва ривожланиш йўналишидан келиб чиқиб, эҳтиёжманд оилаларга деҳқончилик билан шуғулланиш учун кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин;

б) тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун **7 миллион** сўмгача субсидиялар ажратилиши амалиёти йўлга қўйилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан биргаликда **икки ой муддатда** ишсиз аҳолини тадбиркорликка ва ўзини ўзи банд қилиб ишлаш фаолиятига жалб қилишнинг янги механизмлари юзасидан таклиф киритсин;

в) **2021 йил 1 мартдан бошлаб** заргарлик соҳасида кенг имкониятлар яратиш учун «Навоий кон-металлургия комбинати» ДК томонидан кумушни биржа орқали заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчиларга эркин сотиш тартиби жорий этилсин.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **бир ой муддатда** кумушнинг ишлаб чиқарувчиларга биржа савдолари орқали сотилиши, биржага қўйиладиган кумуш ҳажмларини шакллантириш ва маҳсулот бошланғич нархини асосли белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

13. Белгилаб қўйилсинки, **2021 йил 1 мартдан 2022 йил 1 июнга қадар ички туризмни оммалаштириш доирасида** Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилиш учун қуйидаги харажатларнинг **бир қисмини қайтариш** механизми жорий қилинади:

**авиаташувчиларга** – ички туризм йўналишларидаги авиақатновларда **авиа** чипта нархининг **25 фоизи**;

**туроператор ва турагентларга** – Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун ташкил этилган турлар юзасидан авиа ва темир йўл чипталари нархининг **15 фоизи** ҳамда жойлаштириш воситаларининг жойлаштириш бўйича хизматлари (меҳмонхона хизматлари) нархининг **10 фоизи**. Бунда, ушбу харажатларнинг бир қисмини қайтариш саёҳат амалга оширилган ҳудудлардаги жойлаштириш воситаларида камида **бир кеча тунаб қолиш шарти билан** тақдим этилади.

14. Электр энергияси ва табиий газ таъминотида монополияни бекор қилиб, бозор муносабатларини шакллантириш мақсадида:

суюлтирилган газ импорти учун белгиланган божхона божи ва уни импорт қилиш учун талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар бекор қилинсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** ишлаб чиқарувчи ва импортёрлар учун электр энергияси ва табиий газ билан таъминлаш соҳасига бозор механизмларини жорий этиш орқали улгуржи бозорни шакллантириш «Йўл харитаси» ишлаб чиқилсин.

Энергетика вазирлиги «Йўл харитаси» ишлаб чиқилишини таъминласин ҳамда биринчи босқичда **2021 йил 1 августдан** бошлаб, йирик корхоналарга электр энергияси ва табиий газни импорт асосида сотиб олиш ҳуқуқи берилишини назарда тутсин.

15. Давлат солиқ хизматида «Солиқчи-кўмакчи» тамойили асосида фермер хўжаликларининг даромад ва харажатларини автоматик шакллантириш ва солиқ органларига юбориш имконини берувчи электрон тизимни **2021 йил 1 июлга қадар** амалиётга жорий этиш чоралари кўрилсин.

Белгилансинки, давлат солиқ хизматининг фаолиятини «Солиқчи-кўмакчи» тамойили асосида ташкил этиш доирасида олдинги йил учун даромадлари йиллик молиявий ҳисобот маълумотларига кўра камида **5 миллиард сўм**ни ташкил этган, юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари солиқ мониторингида иштирок этишга ҳақли.

16. Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги ва Ҳисоб палатасининг Молия вазирлиги тизимидаги Давлат молиявий назорати департаменти тузилмасини такомиллаштириш ва фаолиятининг самарадорлигини ошириш, ички аудит хизматларини тартибга солиш тизимини ривожлантириш, шунингдек, ўтказиладиган текширишлар ва уларнинг натижалари юзасидан маълумотларни очиқ эълон қилиб бориш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Молия вазирлиги Ҳисоб палатаси билан биргаликда **бир ой муддатда** давлат молиявий назорати ва ички аудит тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича ишларни жадаллаштирсин.

17. Божхона назорати тартиб-таомилларини такомиллаштиришда рақамли технологияларни кенг жорий этиш, **давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш** мақсадида **2021 йил 1 июлдан бошлаб** божхона назоратини олиб боришнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

тоифадан ташқари мақомдаги **«Масофавий электрон декларациялаш божхона постлари»** синов тариқасида босқичма-босқич ташкил этилади;

божхона расмийлаштируви жараёнларини масофавий бошқариш, инсон аралашуви кескин қисқартирилади;

чегараларда ветеринария ва фитосанитария органлари томонидан юк ташувчиларни рўйхатга олиш, ҳужжатларни текшириш, уларга кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ундириш жараёнини рақамлаштириш орқали умумий онлайн назорат амалиёти жорий этилади.

18. **Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш,** шу жумладан, **давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш** мақсадида:

а) жорий йилда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда ҳар бир ҳудудда биттадан туман (шаҳар) бюджетини шакллантиришда харажатларнинг камида **5 фоизи**ни бевосита аҳолининг фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб, маҳалладаги муаммоларни ҳал этишга йўналтириш тартиби эксперимент тариқасида жорий этилсин;

б) **2021 йилда** давлат бошқаруви **ходимлари сони ўртача 15 фоизгача оптималлаштирилсин.**

Молия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **2021 йил 1 мартга қадар** қуйидаги чораларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси киритилишини таъминласин:

бошқарувда бир-бирини такрорлайдиган идоралар, функциялар ва бюрократик тўсиқларни ва мажлисбозликни қисқартириш;

кўп йиллар давомида бўш турган штат бирликларини оптималлаштириш;

айрим давлат функцияларини хусусий секторга ўтказиш ҳамда лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни қисқартириш ва уларни бериш жараёнини автоматлаштириш ҳисобига иш жараёнларини қайта кўриб чиқиш;

вазирлик ва идоралар фаолиятида қарор қабул қилиш жараёнларини соддалаштириш;

рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳисобидан иш жараёнларини оптималлаштириш;

вазирликларда фаолиятни туман, шаҳар, қишлоқ ва маҳалла кесимида режалаштириш тизимини жорий этиш;

в) ўрта ва қуйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш доирасида:

вилоят, туман, шаҳар ва маҳалла бошқарувида самарадорликни ошириш учун ходимлар сони ва маоши ҳудуднинг ўзига хослиги ва иш ҳажмидан келиб чиқиб белгилансин;

қуйи тизим раҳбарлари ва ходимларини янгича талаблар ва замонавий ахборот технологиялари асосида самарали ишлашга ўргатиш ва малакасини мунтазам ошириб боришнинг аниқ тизими жорий этилсин;

Вазирлар Маҳкамаси **икки ой муддатда** ўрта ва қуйи бўғин бошқарув органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича аниқ чораларни кўрсин;

г) **2021 йил якунига қадар** амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, шу жумладан, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни бекор қилиш ва тарқоқ ҳужжатларни тизимлаштириш орқали **тартибга солиш юкини ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг даражасини камайтириш учун ортиқча нормаларни қисқартириш** таъминлансин.

Адлия вазирлиги **2021 йил 1 майга қадар** норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шу жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган ҳужжатларини бекор қилиш бўйича ишларни ташкил этиш ҳамда аниқ муносабатларни тартибга солувчи ҳужжатларни тизимлаштириш бўйича таклифларни киритсин;

д) **2021 йил 1 июлга қадар** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қарорларни фақатгина **махсус «E-qaror»** электрон тизими орқали тайёрлаб, қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Адлия вазирлиги **уч ой муддатда:**

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш, ҳисобга қўйиш ва эълон қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш;

электрон тизимдан фойдаланиш, уни юритиш ва унда жамоатчилик иштирокини таъминлаш;

қабул қилинаётган қарорларни ижрочи ва манфаатдор ташкилотларга етказиш ва тегишли базалар билан интеграция қилиш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимларини мазкур тизимда ишлаш бўйича ўқитиш амалиётини йўлга қўйиш;

электрон тизим орқали қабул қилинмаган ҳужжатларни амалга киритганлик ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни адлия органларида ҳуқуқий экспертизадан ўтказмаган ҳолда қабул қилганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш бўйича таклифларни киритсин.

19. Молия вазирлиги **2021 йил 1 майдан бошлаб** қуйидагиларга оид молиявий маълумотларни оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида эълон қилиш амалиётини жорий этсин:

давлат органлари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромади ва харажатлари;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларга устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи тегишли бўлган юридик шахслар харидлари;

давлат субсидия ва грантларининг миқдорлари ва олувчилари.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги **икки ой муддатда** очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатини кенгайтириш, шу жумладан, давлат харидлари ва инвестиция лойиҳалари доирасида ҳамда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ташкил этиладиган тендер ва танлов комиссияларининг таркиби, давлат активларининг олди-сотди ва давлат-хусусий шериклик лойиҳалари жараёнлари иштирокчилари, солиқ ва бошқа имтиёзлар олувчилар каби маълумотларни очиқ эълон қилиш бўйича таклифларни киритсин.

20. Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг қуйидагиларни назарда тутувчи **«Е-Антикоррупция» лойиҳасини амалга ошириш** тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилган коррупциявий омилларни бартараф этиш бўйича таклифларни кўриб чиқиш, соҳа ва тармоқлар кесимида чуқур таҳлиллар ва жамоатчилик сўровларини ўтказиш натижасида **«Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»**ни шакллантириш;

«Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри»га мувофиқ ҳар бир коррупциявий омилни биринчи навбатда рақамлаштириш (электрон навбат, аукцион ва бошқа замонавий усуллар), очиқликни таъминлаш, жамоатчилик назорати каби воситалар орқали бартараф этиш бўйича таклифларни экспертлар ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари орасида кенг муҳокамадан ўтказган ҳолда ишлаб чиқиш;

амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг натижадорлигини ва коррупциявий омилларни бартараф этишга таъсирини жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда баҳолаш ва эълон қилиш.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги Бош прокуратура ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда** «Е-Антикоррупция» лойиҳасини амалга ошириш механизмлари ҳамда коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин.

21. Адлия вазирлиги **бир ой муддатда** аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг давлат органлари билан муносабатга киришишида **бюрократик тўсиқларни тубдан қисқартиришга** қаратилган, қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳасини киритсин:

фуқароларнинг доимий (вақтинча) рўйхатдан ўтган жойидан қатъи назар фойдаланиши мумкин бўлган давлат хизматларининг кўламини кенгайтириш;

давлат, ижтимоий ва бошқа хизматларни кўрсатишда фуқаронинг шахсини тасдиқлашнинг ягона идентификация рақамини жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини йўлга қўйиш орқали улар ўртасида қоғоз кўринишида ҳужжат тақдим этиш амалиётига чек қўйиш;

фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган давлат хизматларининг натижаларини почта алоқаси орқали етказиш амалиётини йўлга қўйиш;

**«марказ-маҳалла-фуқаро»** тамойили бўйича давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиб келинаётган хизматларнинг ҳар бир оилага кириб боришини таъминлаш бўйича Қарши шаҳар тажрибасини жорий этиш.

22. **2021 йил 1 майдан бошлаб** мамлакатимизга **2005 йил 1 январга қадар** келиб, доимий яшаётган, шунингдек, мамлакатимизда **15 йил давомида** доимий яшаб турган фуқаролиги бўлмаган (чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган) шахслар томонидан истак билдирилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олиш тартиби жорий қилинсин.

23. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш мақсадида:

**2021 йил 1 апрелга қадар** Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) томонидан ҳар чоракда жамоатчилик вакиллари билан биргаликда тергов изоляторлари ва жазони ўташ муассасаларига **«мониторинг ташрифлари»** тизимини йўлга қўйиш чораларини кўриш тавсия этилсин;

**2021 йил 1 июнга қадар** жазони енгилроғи билан алмаштириш ва шартли озод қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш ваколати жазони ижро этиш муассасаларидан янги ташкил этиладиган **инсонпарварлик комиссияларига** ўтказилсин;

**2021 йилда 6 тагача** манзил-колониялар қисқартирилсин.

24. Кенг жамоатчиликнинг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) **йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг асосий фаолиятини фуқароларга кўмак беришга йўналтириш ҳамда коррупцияга имкон берадиган омилларни бартараф этиш** чораларини кўриш учун:

автомототранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказишни экстерриториаллик принципи асосида йўлга қўйиш ва янги автомототранспорт воситасини техник кўрикдан ўтказиш талабини бекор қилиш;

Тошкент, Нукус шаҳарларида ва вилоятлар марказларида биттадан рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар автомототранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга давлат рақами белгиларини беришни амалга ошириш;

барча рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон олиш бўлим (бўлинма)ларида ҳамда камида **20 та** давлат хизматлари марказларида миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштиришни (шу жумладан, алмаштириш ёки йўқолгани ўрнига янгисини бериш) фуқароларнинг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган ҳудудидан қатъи назар амалга ошириш;

ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга талабгорлардан имтиҳон олиш жараёнини жамоатчилик томонидан, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кузатиш имконини яратиш;

илғор хорижий тажрибага асосланган ҳолда, автомобиль йўлларида йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ўлим ҳолатларини, шу жумладан, пиёдалар ўтиш жойларининг замонавий светофорлар билан таъминланганлик даражасини босқичма-босқич ошириш орқали қисқартириш.

Ички ишлар вазирлиги **уч ой муддатда** ушбу бандда назарда тутилган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

б) республика ҳудудида давлат ўрмон фондига кирмайдиган **дарахт ва буталарнинг қимматбаҳо навлари кесилишига жорий этилган мораторийнинг** амал қилиш муддатини **2021 йил 31 декабрга қадар** узайтириш. Бунда:

ҳар бир кесилган дарахт ва буталар учун компенсация тарзида **10 туп** қимматлилиги жиҳатидан кесиладиган дарахт ва буталардан кам бўлмаган, йирик ўлчамли кўчат экиш ҳамда уларни камида икки йил давомида парвариш қилиш, ноқонуний кесилган дарахт ва буталар учун эса **уч йил давомида** парваришлаш шарти билан **100 туп** кўчат экиш мажбурияти киритилсин;

дарахт ва буталарнинг кесилишига жорий этилган мораторий талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида дарахт ва буталарнинг ноқонуний кесилишини аниқлаган ёки олдини олган фуқароларни рағбатлантириш тизими жорий этилсин.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси **икки ой муддатда** атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплаш тартибини қайта кўриб чиқиб, табиатни қайта тиклашга қаратилган компенсация механизмларини кенг жорий этсин.

25. Ташқи ишлар вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** хорижий мамлакатлар билан 2021 йилда савдо-иқтисодий, инвестициявий, илмий-маърифий, маданий-гуманитар ва сиёсий соҳаларда, шунингдек, хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни фаоллаштиришга қаратилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва тадбиркорлик субъектлари учун тартиб-таомилларни соддалаштириш ва махсус қулай режимлар тақдим этишни назарда тутувчи аниқ чора-тадбирлар бўйича таклифларни киритсин.

26. Адлия вазирлиги «Тараққиёт стратегияси» маркази ва «Юксалиш» умуммиллий ҳаракати билан биргаликда:

Давлат дастури амалга оширилишининг боришини тизимли мониторинг қилиш, уни сифатли ва ўз вақтида бажариш учун қўшимча чоралар кўриш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** умумлаштириш ҳамда якунларини аниқ кўрсаткичлар ва эришилган ижобий ўзгаришларни, таҳлилий ахборот кўринишида акс эттирган ҳолда, ўз веб-сайтларида жойлаштириш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги ахборотни **ҳар ойда** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

Давлат дастурини амалга ошириш якунларига бағишланган ахборот-таҳлилий шарҳларни тайёрлаш, уларни хорижий тилларда эълон қилиш ва кенг тарқатишни таъминласин.

27. Олий Мажлис палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг изчил ва ўз вақтида ижросини назорат қилишни қуйидаги тартибда амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари ўз ҳудудларида Давлат дастурини амалга ошириш бўйича **ўн кун муддатда** чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва **ҳар ойда** ўз мажлисларида муҳокама қилиб боради;

Вазирлар Маҳкамаси **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурида танқидий кўриб чиқади, **ҳар чоракда** Ҳукумат Раёсатида муҳокама қилиб боради ҳамда ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаган тадбирлар юзасидан масъул вазирлик ва идоралар раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўради;

Олий Мажлис палаталари **ҳар чоракда** Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларининг Давлат дастури бажарилиши юзасидан ахборотларини эшитиб боради ҳамда бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси билан биргаликда **ҳар ойда** Давлат дастури бажарилишини назорат қилиб боради ҳамда унинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини таъминлаш чораларини кўради.

28. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига Халқаро пресс-клуб билан ҳамкорликда:

ушбу Фармоннинг мақсад ва вазифалари оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғида кенг тушунтирилишини;

Давлат дастури амалга оширилишининг бориши тўғрисидаги холис ва тўлиқ маълумотнинг кенг жамоатчиликка тезкорлик билан етказилишини таъминлаш тавсия этилсин.

29. Адлия вазирлиги манфаатдор идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

30. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 3 февраль.



*Ширинсўз бўлган киши душманни ҳам дўст қила олади.*



**Косонсой туманида фермер ва деҳқонлар тасарруфида 19 минг 866 гектар қишлоқ хўжалиги ерлари бор. Якунланган 2020 йилда 3955 гектарда пахта, 8170 гектарда ғалла парвариши йўлга қўйилди ва шартномавий режа бажарилди. 4428 гектар майдондаги боғ, узумзор, сабзавот ва полиз майдонларидан 56,1 минг тонна экспортбоп ҳосил етиштирилди. Ялпи ишлаб чиқарилган маҳсулот ўтган йилга нисбатан 104 фоизни ташкил этди. 101 гектар ерда замонавий интенсив боғ ташкил қилинди.**

# МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК РИВОЖЛАНАДИ

**Баҳодир ЮСУПОВ, Косонсой тумани ҳокими**

Қарор ва ижро

Туманимизда мавжуд ер майдонларининг бир қисмини қир-адирлик, шартли суғориладиган ерлар ташкил этади. Бундай шароитда деҳқончилик қилиш, кўзланган ҳосилни олиш учун паст текисликдагидан бир неча баробар кўп маблағ сарф қилишга тўғри келади. Сув таъминотидаги етишмовчилик ва муаммолар ҳисобига ўз-ўзидан кўзда тутилган ҳосил етиштирилмасдан, фермер хўжаликлари кўп миқдорда иқтисодий зарар кўради. Мисол учун 2021-2022 йилларда ғалла экин еридан қисқартирилган 3000 гектар майдонларга ғалла учун қилинган харажатлар ҳамда олинган даромад ҳисоб-китоб қилинганида, 1 гектар ерга 8 млн. 715 минг сўм, ўртача ҳосилдорлик 25 центнерни ташкил этгани маълум бўлди. Ёки ҳар гектаридан 2 млн. 465 минг сўм зарар кўрилди. Жами кўрилган зарар 7 млрд. 395 млн. сўмни ташкил этди.

Президентимизнинг 2020 йил 26-27 июнь кунлари вилоятимизга ташрифи чоғида Косонсой, Чортоқ, ва Янгиқўрғон туманларини мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш бўйича қатор вазифаларни белгилаб берган эди. Бу борада қисқа фурсат ичида истиқболли режалар тузилиб, юқорига ўз таклифларимизни бердик. Вилоятимизнинг Косонсой, Чортоқ ва Янгиқўрғон туманларида мева-сабзавотчилик ва узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори қабул қилиниши фидойи ва заҳматкаш косонсойликларга жуда катта имконият эшикларини очиб берди. Уларнинг ғайратини янада жўштириб юборди. Мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш, тежамкор технологияларни жорий этиш ҳисобига харажатларни камайтириб, даромадни ошириш юзасидан 2021-2022 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқдик.

Бу борада ҳудудларни ихтисослаштириш тартибига қатъий риоя этган ҳолда, лойиҳа ташаббускорлари билан талаб этиладиган маблағлар, уларни қоплаш манбалари, моддий ресурслар таъминоти, ишга тушириладиган янги қувватлар (қайта ишлаш, омборхона, логистика маркази) ҳамда яратиладиган иш ўринлари аниқ ҳисоб-китоб қилинди. Масалан, 2021 йилда ғалладан 2413 гектар қисқартирилади. Унинг ўрнида 463 гектар интенсив боғ, 250 гектар токзор барпо этилади. 550 гектарга сабзавот, 250 гектарга картошка, 550 гектарга дуккакли ва 350 гектарга мойли экинлар жойлаштирилади. Талаб этиладиган моддий ресурслар, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва ишлатилиши манзилли дастурларга асосан амалга оширилади.

2021 йилда ушбу лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига мазкур майдонларда 9 минг 200 тонна мева, 2 минг 500 тонна узум, 13 минг 700 тонна сабзавот, 4 минг 500 тонна картошка, 1 минг 100 тонна дуккакли маҳсулотлар, 700 тонна мойли маҳсулотлар етиштирилади. Маҳсулотлардан 10 минг 700 тоннаси экспортга йўналтирилади. Лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 700 та янги иш ўринлари яратилади.

Янги ташкил этиладиган лойиҳалардан бири бўлган «Kosonsoy dry fruits» қўшма корхонасида Польша давлати билан ҳамкорликда 300 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилади. Умумий қиймати 44,0 млрд. сўмни ташкил этган, мева-сабзавотларни қайта ишлаш, сақлаш ва қуритиш, иссиқхона ва музлатгичларни ишга тушириш лойиҳалари амалга оширилади. 4000 млн. доллар миқдорида инвестиция маблағлари жалб этилади. Айни кунларда мазкур лойиҳа доирасида Бельгия, Хитой, Россия, Словакия, Италия каби ривожланган мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиб келаётган Люблин университетининг туманда филиалини очиш, малакали кадрлар ўқитилишини йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, «Isparon greenhaus», «Косонсой инновацион ғоя» фермер хўжаликлари ва «Уйчи Дрипп» МЧЖ томонидан 480 гектар майдонда тўлиқ томчилатиб суғориш технологияси асосида интенсив боғлар барпо қилинади. Айни дамларда ташаббускорлар томонидан зарур технологиялар келтирилиб, улаш, мужассамлаштириш ишлари амалга оширилаётир.

Шунингдек, қисқартирилган майдонларнинг 1700 гектари «Kosonsoy agro group klaster» МЧЖ тасарруфига берилиши эвазига косонсойлик минглаб ёшларга алоҳида ер майдонлари бириктириб берилади. Уларга янги иш ўринлари, эркин меҳнат қилиш, мўмай даромад олиш, янада фаровон ҳаёт кечириш имкониятлари яратилади. Кластер томонидан уруғ ва моддий ресурслар таъминоти тўлиқ йўлга қўйилади.

Косонсой мамлакатимиздаги энг сув таъминоти оғир бўлган туманлар сирасига киради. Шу давргача асосий ҳудудларга минг бир машаққатлар эвазига насослар ёрдамида сув чиқариб берилди. Биргина ғалла етиштириш учун гектарига 3,5-4 минг м3 сув сарфланиб, ортиқча харажат қилинишига тўғри келаётганди.

Мамлакатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга оширилаётган истиқболли ислоҳотлари сабаб туманимиз қишлоқ хўжалигида ҳам туб бурилиш ясаш имкониятлари яратилди. Вилоятимизда озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, мавжуд ер майдонларидан самарали фойдаланиш, ҳар бир ҳудудда сабзавот, картошка, дуккакли ва мойли экинларни яхлит майдонларга жойлаштириш ҳамда плантация усулида интенсив ва мевали боғ ҳамда токзорлар барпо этиш орқали маҳсулот етиштириш, қайта ишлаш ҳамда экспорт ҳажмини оширишдек улуғ мақсадни кўзлаб қабул қилинган Президентимиз қарори косонсойликларга янгидан-янги умидбахш орзу ва режаларини амалга ошириш йўлларини очиб берди. Агар қарор ижроси ўз муддатида, аҳил-ҳамжиҳатликда амалга оширилса, туманда 40-50 фоиз миқдоридаги оби-ҳаёт тежалади. Ёки бир йилда ўртача 4,2 млн. м3 сувнинг ортиқча сарфи камайтирилишига эришилади.

# ЎРНАТИЛГАН ҚУРИЛМА ЎЗ ЎРНИДАМИ?!

Бир шикоят изидан

**Таҳририятимизга Наманган шаҳрининг Тўқувчи маҳалласи Аэропорт кўчасидаги 280-281- уйда яшовчи У. Қориев ариза билан мурожаат қилди. Баён қилинишича, ушбу ҳовлидан 6 метр масофада «Уста Комил тех. импекс» МЧЖга тегишли юқори кучланишли подстанция ўрнатилган. «Ушбу подстанция ҳовлимга кириш-чиқиш йўлагида ўрнатилгани учун уй-жойимдан эркин фойдаланишимга жиддий халақит бермоқда», – деб ёзади фуқаро аризасида. Бу муаммо бўйича у дастлаб «NAMANGAN HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI» АЖга мурожаат қилиб, қуйидаги мазмунда жавоб хатини олган:**



*«Аризангизда ёзилган 10 кВ.ли электр узатиш тармоқлари ва янги қурилган ГКТП русумли трансформатор пункти истеъмолчилар тасарруфида бўлиб, жамиятимизга умуман алоқаси йўқ.*

*Ҳовлингизнинг қуёш чиқиш (шарқ) томонидан ўтган биринчи 10 кВ.ли электр узатиш тармоғи «Наманганптола текстиль» тасарруфида. Иккинчи 10 кВ.ли электр узатиш тармоғи истеъмолчи тасарруфидаги подстанциядан чиққан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январдаги 22-сонли қарорининг 1-иловасига асосан, ваколатли ташкилот томонидан қуриб, ишга туширилган, техник ҳужжатлари мавжуд. (Бу тармоқ қуриб, ишга туширилганда, ушбу ерда сизга қарашли ҳовлилар бўлмаган.) Бу иккала 10 кВ.ли электр узатиш тармоғини ва ГКТП русумли трансформатор пунктининг техник ҳужжатларини ва жойини ўрганилганда Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган «Электр қурилмалари тузилиши қоидалари» талабларига мувофиқлиги маълум бўлди.*

*Электр узатиш тармоқлари ҳам, трансформатор пункти ҳам шу сизга тегишли бўлмаган жойда турибди. Иккала 10 кВ.ли электр узатиш тармоғи ҳам, ГКТП русумли трансформатор пункти уйингизнинг деворидан амалдаги қоидалар талабларига жавоб берадиган масофада турганлигини билдирамиз».* (Техник директор Р. Мирзаев имзолаган РН 35-05 /1670-сонли жавоб хатидан иқтибос олинди, 24.07. 2020 йил).

Жавобдан қониқмаган У. Қориев Наманган шаҳар қурилиш бўлимига мурожаат қилади. Қурилиш бўлими бошлиғи И. Исомиддинов имзолаган жавоб хатида ( 21. 09. 2021 йил) эса: *«... ушбу подстанция ҳамда ҳаво электр тармоғини тортиш бўйича ташкил этилган ишлар, лойиҳа ҳужжатлари ва маълумотлар қурилиш бўлимида мавжуд эмас»*лиги маълум қилинган. Кейин мазкур қурилманинг нечоғли хавфсиз жойлаштирилганлигига аниқлик киритиш мақсадида фуқаро Наманган шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлимига хат йўллайди. *«Ушбу электр тақсимлаш қутиси (ТП) ҳудудда қурилаётган коттеж типидаги хонадонлар учун ўрнатилган бўлиб, сизнинг хонадонингизга яқин масофада, атрофи ҳимоя тўсиғи билан ўралмаган ва транспортларнинг ҳаракатланиш йўлагини қисқартирган ҳолда йўл четига жойлашган. Ёнғин хавфсизлиги қоидаси талабларига мос эмас, кўчадан махсус техникалар ҳаракатланишига тўсқинлик қилади. Шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг ёнғинга қарши талаблар бўлими 1-илова мажбурий 15-бандига асосан тор кўчанинг четидан бино деворигача бўлган масофа 9 қаватли бинолар учун 5-8 метр, 9 ва ундан ортиқ қаватли бинолар учун 8-10 метр қабул қилинган. Бу ҳудудда тўсиқлар, электр узатиш ҳаво линияларини жойлаштириш ва дарахтларни қатор қилиб экиш мумкин эмас... Ушбу электр тақсимлаш қутисининг жойлашувида амалдаги талаблар бузилган ва шаҳарсозлик норма ва қоидаларининг ёнғинга қарши талабларига тўғри келмаслигини маълум қиламиз»*, – дейилади Наманган шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлими бошлиғи С. Бобомирзаев имзолаган жавоб хатида ( 24.10. 2020 йил, № 1/30- 2031).

Ҳолат юзасидан «Ўзэнергоинспекция»нинг Наманган ҳудудий бўлими етакчи мутахассиси О. Исаков имзоси билан хулоса қилинган хатда шундай дейилади:

*«Уста Комил тех. импекс» МЧЖга тегишли трансформатор пункти ҳозирда кучланиш остида бўлмаганлиги ва истеъмолчи томонидан фойдаланишда бўлмаганлиги, ушбу трансформатор пунктини ўрнатиш ва ишга тушириш учун «Ўзэнергоинспекция» томонидан тегишли рухсат берилмаганлиги, трансформатор пункти лойиҳа ҳужжатларисиз ўрнатилганлиги аниқланди.*

*«Уста Комил тех. импекс» МЧЖга тегишли трансформатор пункти лойиҳа ҳужжатларисиз ўрнатилганлиги ҳамда «Ўзэнергоинспекция» томонидан тегишли рухсат берилмаганлиги сабабли, «Уста Комил тех. импекс» МЧЖ томонидан трансформатор пунктини ўрнатилган жойдан кўчириш лозимлиги кўрилди.*

*Фуқаро У. Қориев хонадонининг қуёш чиқиши (шарқ) томонидан уйининг деворига нисбатан чамаси 2,0-2,5 метр масофада «Наманганптола текстиль» МЧЖга тегишли 10 кВ.ли электр узатиш тармоғининг четки сими жойлашганлиги, ушбу электр узатиш тармоғининг лойиҳа ҳужжатлари мавжудлиги, тегишли ташкилотлар томонидан келишилган ҳолда 2010 йилда ишга туширилганлиги, фойдаланиш учун «Ўзэнергоинспекция» инспекциясининг тегишли рухсати берилганлиги ҳамда «Электр қурилмаларини тузилиш қоидалари»нинг 2.5.110 ва 2.5112-банди талаблари асосида рухсат этилган энг кам масофада қурилганлиги кўрилди.*

*«Наманганптола текстиль» МЧЖ тасарруфидаги 10 кВ. кучланишли электр узатиш тармоғининг муҳофаза ҳудудида «Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидалари»нинг 17-бандига асосан, «Наманганптола текстиль» МЧЖнинг рухсатисиз, ҳар қандай бино ва иншоотларни қуриш, мукаммал таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки бузиш; дарахтлар ҳамда буталарни экиш ва кесиш; умумий баландлиги йўлнинг сатҳидан (юк билан ёки юксиз) 4,5 метрдан ортиқ бўлган машина ва механизмларнинг ўтиши ҳаракатлари амалга оширилганлиги аниқланган тақдирда «Наманганптола текстиль» МЧЖ томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза билан мурожаат этилиши, шунингдек, қонунчиликка мувофиқ судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилади». (23. 10. 2020 йил).*

Ва яна фуқаро У. Қориевнинг мазкур муаммо юзасидан Наманган шаҳар прокуратурасига мурожаати ҳам ўрганиб чиқилиб, Наманган шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Б. Юлдашев имзоси билан прокуратурадан жавоб йўлланган. Мазмуни эса шундай: *«Яшаш манзилингиз атрофида ноқонуний равишда электр подстанцияси ўрнатилганлигидан норози бўлиб қилган мурожаатингиз шаҳар прокуратураси томонидан кўриб чиқилди. Аниқланишича, яшаш уйингизнинг олдида «Уста Комил тех. импекс» МЧЖ томонидан 10/0,4 кВ. кучланишдаги ГКТП русумли 400 квА бўлган трансформатор пункти тегишли ҳужжатларни расмийлаштирмасдан туриб ўрнатилганлиги ҳамда кучланиш остида бўлмаганлиги маълум бўлди.*

*Шунингдек, яшаш манзилингиз атрофида «Наманганптола текстиль « МЧЖнинг 10 кВ кучланишли электр узатиш тармоғи, тегишли рухсатномаларни олган ҳолда 2010 йилда қуриб, фойдаланишга топширилган.*

*Мурожаатингизни кўриб чиқиш жараёнида, «Уста Комил тех. импекс» МЧЖ томонидан Электр энергиясида назорат бўйича давлат инспекциясининг 21.05. 2004 йилдаги буйруғи билан тасдиқланган «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари»га зид равишда тегишли тартибда рухсат олмасдан туриб трансформатор ўрнатилганлиги аниқланди.*

*Шунга кўра, тўпланган ҳужжатлар маъмурий чора кўриш учун «Дўстлик» электр тармоқлари корхонасига юборилди.*

*Келгусида ушбу масалада «Дўстлик» ЭТКга мурожаат берилган жавоб хатидан норози бўлган тақдирингизда юқори турувчи прокурорга шикоят қилишга ҳақли эканлигингиз тушунтирилади».* (26. 10. 2020 йил. 24/2910м-20-сонли жавоб хати).

– Эшигимнинг рўпарасига ўрнатилган электр тармоғи кирди-чиқдига халақит беради ва келажакда фарзандларим ҳаёти учун ҳам хавфлидир, – дейди У. Қориев. – Шу масалани амалдаги меъёрий қоидаларга риоя қилган ҳолда белгиланган жойга ўрнатилишини талаб қиламан. Чунки, бу борада ёнғин хавфсизлиги бошқармасининг ва электр тармоқларининг мутахассислари ҳамда Наманган шаҳар прокуратурасининг тавсиясиям, хулосалариям шуни тақозо этмоқда. Афсуски, мана олти ойдан буён буларнинг барчаси қоғозда қолмоқдаки, ҳеч қандай амалий ҳаракат йўқ.

***Таҳририятдан:** Муаммо юзасидан фуқаронинг арзини-ю масъул идораларнинг жавобларини келтиришдан мақсадимиз шуки, бугун ташаббус кўрсатаётган тадбиркор ҳар қанча қўллаб-қувватлашларга ва имтиёзларга лойиқ. Аммо ишбилармоннинг лойиҳаси, саъй-ҳаракатлари, фаолияти – ҳамма-ҳаммаси амалдаги қоида, низом ва албатта техник шарту талаблар ҳамда хавфсизлик техникаси қоидаларига мувофиқ бўлиши шарт. Ҳозирча эса бу чигаллик бироз мавҳумлигича ва унинг ечими аросатда қолаётгандай таассурот қолдирмоқда. Таҳририят муаммонинг ижобий ҳал этилишига умид билдиради ҳамда бу мавзуга яна қайтади.*

**Муҳиддин МАҒЗУМОВ,**
**«Наманган ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**
**Муаллиф олган сурат.**

Орамиздаги одамлар

# САККИЗ БОЛАНИНГ КЕНЖАСИ
## ЁКИ «СУПРАҚОҚДИ» – 60 ЁШДА



Раҳматли Қамбарали ҳожи ота Наманган шаҳрининг энг олди, ҳар жиҳатдан таниқли инсонларидан эди. Касби гарчанд савдо соҳасида бўлса-да, улфату дўст-оғайнилари номи кетган шоиру санъаткорлар, элнинг маънавият ва маърифат дарғаларидан иборат эди. Ўзи ҳам бот-бот шеър ва ғазаллар битиб, таҳририятларга бориб турарди. Шу боисданми саккиз фарзанднинг барчасини олий маълумотли мутахассислар қилиб ўқитишга улгурди. Ўша йилларда шаҳарда қизларнинг олий ўқув даргоҳларида таҳсил олишини унчалик ёқтирмайдиган муҳит бўлишига қарамай қўша-қўша қизларини врач, ўқитувчиликка рағбатлантирди. Ҳаммаларини дипломли қилиб, хотиржам бўлди. Энг олий нияти – муқаддас Каъбатуллоҳни тавоф этиш эди. Улуғ орзуга ҳам муяссар бўлди. Лекин – эҳтимол, бу қалбидаги махфий тилакмиди – Аллоҳнинг омонатини ўша муқаддас тупроқда топширди...

Акрамжон ака ана шу инсоннинг кенжа фарзанди. Болалигидан қатъий тартиб-интизомли хонадонда, ўқимишли ота-она, ака-опалар таъсириданми, шаҳардаги 4-ўрта мактабни олтин медалга тамомлади. Ўша йилиёқ Самарқанд Давлат кооператив (савдо) институтининг умумий овқатланиш технологияси ва уни ташкил этиш факультетига ўқишга кирди. Танлаган соҳаси бўйича у ота касбини эгаллаш умидида эди.

1983 йилда институтни муваффақиятли тамомлаб, 6-разрядли ошпаз муҳандис-технолог дипломини олиб, астойдил ишга киришди.

Овқат ейишдан мақсад – фақатгина қорин тўйдириш эмаслиги ҳаммага маълум. Тўғри, истеъмол қилаётган егулигимиз танамизга куч-қувват, мадор ато этади. Қадимгиларнинг «Ёшни Худо асрайди, карини овқат» деган ҳазиломуз нақлларини бугун беҳижолат ёшларга ҳам тегишли, дейиш мумкин. Кўнгилдагидек таомланиш ошқозонни тўлдириш билан бирга руҳиятга лаззат, кўзга қувонч, нафсга ором бағишлайди. Шунинг учун ҳам ошпазлик, қандолатчилик, ресторан хизмати соҳаси санъат даражасига кўтарилди. Дунё саҳнасида беқиёс обрў-эътибор қозонди.

Акрамжон ака ўзбек миллий таомлари шуҳратини, меҳмондўстлик анъаналарини устозлари ўргатганидек, оламга ёйишга ўз ҳиссасини қўшишни дилига жо этиб, астойдил ишга киришди. Дастлаб «Заркент кўприги» ошхонасида ошпазлик қилиш баробарида касб-ҳунар мактабида пазандалик технологияси фанидан ўқувчиларга дарс берди. Кейинчалик Наманган шаҳар умумий овқатланиш трестида, мактаб ошхоналари комбинатида масъул лавозимларда ишлади.

Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежидаги салкам ўн беш йиллик фаолияти унумли бўлди. Ўқитувчилик, кафедрага мудирлик қилди. Шогирдлари республика миқёсидаги кўрик-танловларда муваффақиятли иштирок этиб, фахрий ўринларни эгаллашди. 2016 йилда Ўзбекистон Ошпазлар уюшмаси, халқаро ўзбек пазандачилик маркази томонидан ўтказилган «Олтин пичоқ» пазандачилик кўрик-танловида йигирма бешта жамоа ўртасида Акрамжон Акбаров ва шогирди Нозимжон Раҳимов 3-ўринни забт этиб, «Бронза пичоқ» совринини қўлга киритди.

Ошпаз домла шунингдек, шаҳримиздаги анъанавий гуллар байрами, палов тайёрлаш мусобақаларида «Беҳзод палов», «Баркамол авлод», «Янгилик» деб номланган палов ош турлирини тайёрлаб, элга манзур этиб, ғолибликни қўлдан бермай келди. Шу билан бирга илмий-педагогик ишга вақт топиб, қандолатчилик фани бўйича тезлаштирилган уч ойлик ўқув курсларига мўлжалланган 60 соатлик намунавий дастур ишлаб чиқишга раҳбарлик қилди.

Кейинги йилларда соҳада янгилик бўлган карвинг санъатини – мева-сабзавотлардан образлар яратишни кенг тарғиб этди. Уни касб-ҳунар мактабларида ўқитиш ташаббуси билан чиқди.

Томирларда куч-ғайрат тўлиб-тошиб турса-да, кутилмаган хасталик ҳар қандай одамни чеклаб қўяркан. 2017 йилда саломатлигига чанг солган ишемик инсульт ошпаз домлани вақтинча фаолиятдан тўхтатди. Ногиронлик нафақасига чиқишга мажбур бўлди. Бирмунча муддат ўтиб, соғлиғи нисбатан тикланди. У энди ҳаётдан ўзига бошқачароқ мазмун, мақсад қидира бошлади. Болалигидан севган одати - қушлар боқишга киришди. Гўзал, сайроқи канарейкалар олди-сотдиси билан эмас, парваришлаш, кўпайтириш билан машғул бўла бошлади.

– Биласизми, мана шу жимитдек чиройли қушча сизнинг руҳиятингизни сезади. Агар тушкун, баджаҳл, асабий бўлсангиз – унинг сайрашидан кайфиятингиз кўтарилади. Кўнгилларингиз равшан тортади. Дунёингизни қоронғу қилиб турган унча-мунча ғуборлар булутдай тарқаб кетади, – дейди Акрамжон домла.

...Ошпаз домла – Акрамжон Акбаров билан қушлар, таомлар технологияси билан соатлаб суҳбатлашиш мумкин. Чунки, булар унинг тириклигининг мазмуни, суйган машғулоти.

Инсонга бир марта бериладиган ҳаётни кимлардир бесамара, бемазмун ўтказаётгандир. Аксарият эса унинг ҳар соати, дақиқасидан унумли фойдаланиб, умрига, оиласига файзу барақот олиб киради. Бугун муборак 60 ёшини қоралаётан саккиз боланинг кенжаси, беш фарзанднинг отаси, саккиз набиранинг бобоси, вақтида донг таратган қўли ширин ошпаз, ёшлар устози, ҳаваскор орнитолог Акрамжон Акбаров ана шундай икки дунё саодатига ошиқ инсонлардан. Айни дамдаги орзу-умидлар, завқу шавқлар уни 100 ёшда ҳам тарк этмасин, деймиз.

**Рислиқхон МАЖНУНОВА.**

Эълон

**НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ ЭЛЕКТР АЛОҚА ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ КОРХОНА, ТАШКИЛОТ ВА МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ҲАМДА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Наманган телекоммуникация боғламаси шаҳарда телефон алоқа сифатини яхшилаш мақсадида, Наманган шаҳрининг Ибрат кўчасида жойлашган 227-ЭАТС ҳудудидаги Баҳор MSANдан Намангансой кўчасига тортилган ер остки телефон алоқа кабели таъмирланиши муносабати билан Азиз Турсун, «Пиллакаш», Одилжон Мирсаидов, Соли Адашев, «Намангансой» кўчаларидаги телефон, IP-TV, интернет тармоқлари жорий йилнинг 8 февралидан 15 февралигача ишламаслигини маълум қиламиз.

**Ушбу ноқулайликлар учун олдиндан узр сўраймиз.**

**«Ўзбектелеком» АК Наманган филиали Наманган телекоммуникация боғламаси маъмурияти.**

## БИЛДИРИШЛАР

Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан «Solidarity» адвокатлар ҳайъати адвокати Душаев Мадамин Махсудовичга бошқарма томонидан 24.12.2018 йилда берилган NA000028-сонли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда унинг адвокатлик мақоми жорий йилнинг «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига асосан тугатилди.

* * *

Мингбулоқ туманидаги 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1996 йилда Рискулов Абдурашид Абдумуталович номига берилган UZA №118518 рақамли шаҳодатнома (аттестат) йўқолганлиги

**БИЛДИРИЛАДИ.**

* * *

Наманган шаҳар ҳокимининг 2019 йил 18 январдаги №47-сонли қарорига асосан фуқаро Худайбердиева Назира Тохировна номига ажратилган Ёшлик квартали ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 600 м2 бўлган 19153-сонли ер участкасига расмийлаштирилган ҳужжатлар (қарордан кўчирма ва режа) ҳамда қурилиш шартномаси йўқолганлиги

**БИЛДИРИЛАДИ.**

* * *

Наманган тиббиёт коллежи томонидан 2013 йилда Турғунов Нодирбек Абдурасул ўғли номига берилган К №2911372 рақамли диплом йўқолганлиги

**БИЛДИРИЛАДИ.**

* * *

Наманган шаҳридаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2005 йилда Жалилов Ахмад Абдубоситович номига берилган №1255703 рақамли шаҳодатнома (аттестат) йўқолганлиги

**БИЛДИРИЛАДИ.**

* * *

Тўрақўрғон туманидаги 16-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1993 йилда Абдужаббарова Дилдорахон Турсуналиевна номига берилган №111086 рақамли шаҳодатнома (аттестат) йўқолганлиги

**БИЛДИРИЛАДИ.**

* * *

Наманган ижтимоий иқтисодиёт ва педагогика касб-ҳунар коллежи томонидан 2011 йилда Давлатханова Мохирахон Мухторжон қизи номига берилган К №2055133 рақамли диплом йўқолганлиги

**БИЛДИРИЛАДИ.**

**ХОНАДОН СОТИЛАДИ**

4-кичик туман, 37-уй, 9-хонадон сотилади. 3-қават, 2 хона. Таъмири ўрта, темир эшик, полли. Газ, сув, электр яхши. Барча шароитлари бор.

**Телефон: (93) 199-54-55.**

# ҒАЗАЛ СЕҲРИ

**Фаридахон КАРИМОВА, НамДУ доценти**

**Алишер Навоий ғазалиёти чуқур ғоявий мазмуни ва гўзал бадиияти билан асрлар давомида мухлислари қалбини ҳайратга солиб келмоқда. «Хазойин ул-маоний»даги ғазалларни мутолаа қилар эканмиз, унинг тафаккур қудрати, шоир қўллаган истиоравий-рамзий тимсоллар, ташбеҳу тамсиллардан катта завқ оламиз.**

Маълумки, шоир ғазалиёти навоийшуносликда ошиқона, орифона ва риндона ғазаллар тарзида уч гуруҳга бўлиб ўрганиб келинган. Шоирнинг ўзи эса «Бадоеъ ул-бидоя» девони дебочасида девон тузиш тамойилларини баён қилар экан, ғазалларининг мавзу доираси хусусида тўхталади ва уларни ҳамд, наът, ишқий, маърифатомиз ва мавъизатангез ғазаллар тарзида беш гуруҳга ажратади Лекин шоир ғазалиётининг мавзу доираси бу билан чегараланмайди.

Навоий девонларини бир неча бор оққа кўчирган Абдулжамил котиб «Туҳфатус-салотин» асарида шоир ғазалларини юзлаб мавзуларга ажратган. Хусусан, маъшуқа, унинг юзи, холи, зулфи, қоши, кўзи, киприги, лаби тасвири шоир ғазалларида алоҳида ўрин тутади. «Ғаройиб ус-сиғар» девонидан ўрин олган қуйидаги ғазал матлаъсига эътибор қилайлик:

*Ғамзанг ул сайёдким, гулшан аро*
*ороми бор,*
*Хол бирла зулфин ҳам донаси,*
*ҳам доми бор.*

Байтда маъшуқанинг ғамзали қарашлари юз гулшанида беркиниб ётган овчига, хол сайд(қушлар)га сепиладиган донга, зулф (гажак) эса тузоққа қиёс қилинади. Байтнинг мазмунидан англашиладики, маъшуқа ўзининг ғамзали нигоҳлари билан ошиқнинг кўнглини ром этмоқчи. Бу мақсадни амалга оширмоқ учун ғамза хол ва зулф билан битим тузган. Маъшуқа ғамзасининг юз гулшанида беркиниб ётган овчига ўхшатилиши шоирнинг ўзига хос навоиёна ташбеҳларидан бири. Байтдаги ғамза, хол, зулф, сайёд, дона, дом сўзлари таносуб санъатини юзага чиқарган. Сайёднинг сайдга дона сепиб тузоқ қўйиши билан боғлиқ ҳаётий лавҳа тамсил санъатига асос бўлган. Хуллас, бир байтнинг ўзида ташбеҳ, таносуб, тамсил санъатлари орқали ажойиб завқ-шавқ бағишлайдиган лавҳа яратилган.

Шоирнинг қуйидаги байти ҳам мазмун ҳам тасвир услуби жиҳатидан шоҳбайт даражасига кўтарилган:

*Эй сарви гулъузор, Гоҳе кўзумга хол*
*тушуптур, гаҳе ғубор (1,151-152).*

Ошиқ сарв қадли, гул юзли ёрига мурожаат қилар экан, майин тукчалар билан қопланган лабинг устидаги қора холингни хаёлимга келтирсам, кўзумга гоҳ хол, гоҳ ғубор тушади, дейди. Кўзга хол тушишининг боиси шундаки, физик қонуниятларга кўра, инсон нарсаларни кузатганда, кўздан чиққан нур ўша предметга тегиб синади ва яна кўз қорачиғига қайтади. Натижада, кўз қорачиғида ўша нарсанинг акси пайдо бўлади, яъни инсон кўриш имкониятига эга бўлади. Энди холнинг шакли думалоқ, ранги қора эканлигини назарда тутсак, кўз қорачиғининг шакли ва ранги билан уйғунлигини ҳисобга олсак, тасвирдаги, ташбеҳдаги мутаносибликнинг ҳадди аълосига етказилганлигига гувоҳ бўламиз. Кўзга ғубор тушишининг сабаби шундаки, маъшуқанинг лаби устидаги майин тукчалар билан кўзга соя (ғубор) ташлаб турган киприклар ўртасида мутаносиблик мавжуд: лаб устидаги тукчалар орасидаги қора хол – атрофида киприклар саф тортган кўз ичидаги қорачиқ (гавҳар)! Нақадар ҳаётий ташбеҳ, ҳайратда қоларли лавҳа!

Мумтоз шеъриятда маъшуқа оғзининг ниҳоятда кичкиналиги ва лабларининг бежиримлиги ҳамда қип-қизиллиги гўзаллик мезонларидан саналган. Алишер Навоий маъшуқанинг кичкина оғзи ва унга мутаносиб тарзда бежирим лабларини ўзига хос санъаткорлик билан тавсиф этади. Яъни, маъшуқанинг лаблари икки гул япроғи каби қип-қизил ва ниҳоятда гўзал. Унинг оғзи эса ҳаддан ташқари кичкина, гўё гул япроқларини ари найзалари билан тешиб қўйгандек.

Қуйидаги байтда маъшуқанинг ширин лаби туфайли ошиқ кўнглидаги изтироблар образли тарзда ўз ифодасини топган:

*Эй, кўнгулда шаҳди лаълинг*
*ҳасратидан юз тешук,*
*Ҳар тешукдур шаҳд занбури уйи*
*янглиғ чучук (1, 245).*

Маъшуқанинг ширин лаби ҳасратида ошиқ кўнгли «юз тешук», яъни илма-тешик бўлган. Шоир бу ҳолати минглаб тешикчалари асал билан қопланган асалари уйига тамсил қилинмоқда. Кўринадики, ёрнинг асалдек ширин лаблари туфайли ошиқ қалбида кечган туйғулар ширин, ҳам изтиробли. Бу ўринда шоир ташбеҳ ва тамсил санъатларидан ўринли фойдаланган.

*Оллоҳ-Оллоҳ, турфадур буким,*
*икки жонбахш лаб,*
*Икки ён маълуму, эрмас ўртада*
*маълум оғиз (1, 160 ).*

Бу қандай мўъжизаки, маъшуқанинг жонбахш лаблари аёну унинг нуқтадек оғзи маълум эмас, яъни ниҳоятда кичкиналигидан унинг бор-йўқлиги билинмайди. Шоир бу байтда тафрит санъати орқали гўзал муболағали тасвир яратади. Шунингдек, шоир мукаррар санъатидан ҳам ўринли фойдаланган.

Маълумки, маъшуқанинг лаби Исо (Масиҳ) нинг нафасига ташбеҳ қилинади. Чунки Исо (Масиҳ) нинг нафаси ўликка жон бағишлайди. Маъшуқа зулму ситамлари билан ҳар дамда ошиқни «ўлдиради». Унинг писта оғзидек бежирим, асалари найзаси билан тешилган нуқтадек кичкина оғзи, атиргул япроғи каби жуфтлашган қип-қизил лабларининг хаёли ошиққа жон бағишлайди, уни ҳаётга қайтаради. Маъшуқа лаби жон бағишловчи экан, бунда «лаб» ва «жон»нинг бир-бири билан жонажонлиги англашилади:

*Ҳар лаби ўлганни тиргузмакда,*
*жоно, жон эрур,*
*Бу жиҳатдин бир-бириси бирла*
*жонажон эрур (1, 124).*

Умуман, шоир ғазалларининг мавзу кўлами ниҳоятда кенг. Унинг маъшуқа юзи, холи, зулфи, қоши, кўзи, киприги, лаби тасвири каби юзлаб мавзулардаги ғазал ва байтларни мутолаа қилар эканмиз, улардаги чуқур мазмун, гўзал образли ифода ва лавҳалар, моҳирона қўлланган шеърий санъатлар жилоси ҳайратга солади. Мазкур мавзулардаги байт ва ғазалларнинг шарҳу талқинини бериш шоирнинг бадиият оламига чуқурроқ киришга, асарларини бутун маъно қирралари билан теран ва ҳар томонлама кенг идрок этишга имкон яратади.

# АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ НИМА УЧУН КЕРАК?

**Тасаввур қилинг, хонадонингизда ўн киши яшайди. Демак, бозор-ўчар қилишда улар сонини ҳисобга оласиз. Фалон кило гўшт, ёғ, ун, гуруч ва ҳоказо... Хонадон бекаси ана шу ноз-неъматларни пишириб, дастурхонга тортишда ҳам табиийки, уйдаги одамлар сонини инобатга олади: ўн косада таом келтиради. Фақат хонадон аъзолари ёши, хоҳиши ва таъбидан келиб чиққан ҳолда овқат кимгадир каттароқ косада, кимгадир кичикроқ идишда, кимгадир ёғсизроқ, кимгадир сергўштроқ қилиб сузилади. Оилангиздагилар учун кийим-кечак харид қилишда ҳам худди шундай йўл тутасиз. Ўғлингиз ё қизингизни бирор тўгаракка бермоқчисиз. Бу ўринда унинг қизиқиши, қобилияти, салоҳияти, имкониятини ҳисобга оласиз!**

Энди савол туғилади: қандай қилиб бу борада тўғри ва оқилона қарор қилишга эришяпсиз? Жавоб аниқ: чунки, сизда оила аъзоларингизнинг ҳар бири ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар базаси бор!

Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар зарурлатини ана шунга қиёслаш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистонда хонадонлар иссиқ бўлиши, одамлар қора қозони қишин-ёзин қайнаб туриши учун неча минг тонна кўмир, қанча саксовул, неча минг куб.метр газ керак? Бухорода-чи? Хоразмда неча киши ишсиз? Сурхондарёда яна нечта таълим муассасаси қуриш лозим? Фарғонада нечта оила уй-жойга муҳтож? Самарқандда нечта туғуруқ ёшидаги аёл бор ва мавжуд туғруқхоналардаги ўринлар сони ана шу кўрсаткичга мутаносибми? Сирдарёда аҳоли хонадонлари асосан қайси йилларда қурилган? Сурхондарёда чироқ ўчмаслиги учун бир ойда қанча электр энергияси ишлаб чиқариш зарур? Андижонда нечта оила битта хонадонда истиқомат қилади? Тошкент шаҳрида аслида қанча киши истиқомат қилади?...

Кўряпсизми, аҳолини рўйхатга олиш, яъни биргина шу амалиёт билан қанчадан-қанча саволларга жавоб, қанчадан-қанча муаммоларга ечим топиш мумкин!

Бироқ юзаки ва тахминий кўрсаткичлар билан узоққа бориб бўлмайди. Режа ва дастурларнинг манзиллилиги, ислоҳотларнинг самарадорлиги бу борадаги маълумотларнинг аниқ ва ишончлилигига боғлиқ. Шу боис ҳам доноларимиз азалдан етти ўлчаб бир кесмоқни насиҳат қилиб келади.

**Жавлонбек АБДУЛЛАЕВ,**
**вилоят статистика бошқармаси рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бош мутахассиси.**

# АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АЛЕКСАНДР ДЮМА

**Навоий даҳосининг мўъжизаси шундоққи, ул зоти шарифнинг беназир каломида нажотбахшлик бор, исталган жумбоққа ечим, энг мушкул саволга жавоб муҳайё. Айни хусусда бошимдан кечган бир ҳолни айтишга ва ёзишга бурчлиман. Оқшом чоғи неча ойлик изланиш ниҳоясига етиб, Александр Дюма (ота) қаламига мансуб «Кавалер де Мезон Руж» романининг таржимасига (русчадан) нуқта қўйилди. Лекин 20-бобнинг аввалидаги кўнгилни тўлдирмайдиган бир жумла ва иштибоҳ ўшандоғича қолди. Модомики, мутаржимнинг ичи чиқмаган экан, китобхон ҳам қониқмайди-да...**

Иттифоқо, эртаси куни Наманган Давлат университети талабалари билан учрашув бўлиб, тадбир яхши ўтди, Ҳазрат Навоийдан ғазаллар айтилди, қўшиқлар куйланди. Фақат бўлғуси филологлардан ўртача юкдаги битта саволга ижобий жавоб бўлгани йўқ:

– «Лайли ва Мажнун»ни ким тўлалигича ўқиган?

Биргина йигит, у ҳам достонни эмас, 1976 йили чоп этилган насрий баёнини ўқиган экан. Ўзим ҳам ёмон зил кетдим, негаки, асарни яқин орада қўлга олганим эсимда йўқ. Ҳай, уйга қайтибоқ, Ҳазратга юкиндим: «Лайли ва Мажнун» очилдими, ундан бош кўтариш мушкул, Навоий мисраларидаги соҳир (балки ғайб) оҳанрабо ихтиёрни олиб қўяди. Мана, 25-боб бошланди:

*Кун гарм бўлуб ҳалок жонға,*
*Лайли киби ўт солуб жаҳонға.*
*Ҳар елки эсиб ҳароратомез,*
*Мажнун дамидек жароҳатангез.*
*Тинмай югуруб қуюн тагидин,*
*Қум узра аёғи куймагидин,*
*Итлар тили ерға тегуруб бош,*
*Ғурра асад ичра айлабон фош.*

Камина ёқамни ушлаб қолибман, ҳолатимни ҳеч мушоҳада этолмасдим. Ахир, келтирилган парчанинг сўнгги икки сатри ойлар давомида топилмаган изоҳнинг ўзгинаси эди. Йўқ, Дюманинг ёзгани Навоийдан таржима дейилса ҳам муболағамас. Чунки, ўша машҳур француз адиби қўлига қалам олганда, «Хамса»нинг битилганига уч ярим аср бўлаёзганди.

Русча «Кавалер де Мезон Руж»нинг 20-бобида шундай ёзилади: «Уже начинало ощущаться приближение ужасной собаки, что древние представляли томимой неутолимой жаждой, которая, по верованию парижских плебеев, гладко вылизывает мостовые». Узундан узоқ жумланинг таржимаси битган эса-да, «ужасная собака»нинг ўзбекчасини уддалаш мушкул кечиб, саҳифа сўнгидан шундай изоҳ ўрин олганди:

«Ит мавсуми» – бу тахминан шарқона тақвимдаги асад ойига тўғри келади». Бари бир кўнгил тўлмаганича турувди. Ҳазратнинг мадади шарофати билан таржима ҳам, унинг изоҳи ҳам битди-қолди.

Таржима: «Ҳалитданоқ ёвуз «ит кунлари»нинг жазирамаси яқинлашаётгани сезилиб, офтоб ёндира бошлаганди. Бу шундай мавсумки, кўҳна тасаввурга кўра, ҳамиша ютоққан, ташналиги ҳеч-ҳеч қонмайдиган ёки парижлик аҳли авомнинг ақидасида эса, ерда судралган тили билан арава йўлининг тўшама тошларини яраклатиб ялаб кетувчи чанқоқ ит».

Изоҳ: «Ит кунлари» – бу мавсум шарқона тақвимдаги асадга тўғри келади. Маълумки, бу ой бошлангач, итларнинг тили осилиб кетади ва ташналиги ҳеч қонмайди. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида бу ҳақда шундай байт бор:

*Итлар тили ерға тегуруб бош,*
*Ғурра асад ичра айлабон фош.*

Ғурра (арабча) – ойнинг бошланишини ёки бир кунлик ой маъносини англатади ва бинобарин, А. Дюма демоқчики, «ит мавсуми» – «ғурра асад» боис чанқоқ итларнинг осилган тили ергача тушган.

* * *

Амир Алишер сиймосидаги улуғ санъаткор Олим Хўжаев ҳамон кўз олдимизда ва сўзлари шуурумизда жаранглаб турибди:

Асрлар оша ўз шеърларим билан «лаббай» дея жавоб берурмен!

Аммо тарихан бу гапни Навоий эмас, барҳаёт асарнинг муаллифлари (Уйғун ва Иззат Султон) айтган эсалар-да, ҳам буюк бобомизнинг, ҳам миннатдор авлодларнинг кўнглидаги тилакни жуда-жуда топиб айтишган-да. Ҳазратнинг ғазалида эса шунга яқин бир мисра бор:

Навоий ҳам ётар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

Маҳшар тонгига қадар уйқуни тарк айлаб, бедор ётган буюк валий, табиийки, абадият қадар барҳаётдир. Эл-улус ва инчунин, қалам аҳли ҳам ул зоти бобаракотнинг уйғоқ руҳидан баҳравор бўлмоқдамизки, файзлар офтобидан топилган биттагина учқунни юқорида айтилди.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.**

# ШЕЪРИЯТ ЭВЕРЕСТИ

*Тилларда достон бугун*
*Ҳазрат Навоий номи.*
*Дахо фарзанди сабаб*
*Ўзбекнинг бутун нони.*

*«Беш юз саксон йил!» – дебон*
*Хабар йўллар чор тараф.*
*Олам аҳли ёғдирар*
*Улуғ зотга шон-шараф!*

*Хуллас, буюк шоирни*
*Билмайдиган жуда кам.*
*Лек уни ўқий олмай*
*Кўпчиликнинг боши хам...*

*Қайдан бундай муаммо?*
*Ҳамма лол, ҳамма ҳайрон.*
*Тушунмасдан «Хамса»ни*
*Турибмиз кўнгил вайрон.*

*Қизарганча сўрайди*
*Фарҳод Шириндан кўмак.*
*Китоб ўқимас Мажнун*
*Лайлига бўлмас ўрнак.*

*Яйраб тингламас нечун*
*Янграса «Қаро кўзим».*
*Бир сабаби бордир-ов,*
*Дейман ўзимга ўзим.*

*Навоий ҳар жойда бор*
*Кундуз ва кечқурунда.*
*Чуқурроқ ўргатилар,*
*Уни дорилфунунда.*

*Чин синов бўлса агар*
*Борми бир янги даҳо?!*
*Ҳатто Навоийшунос*
*Ололмайди «беш» баҳо!*

*Нега шундай? Не бу ҳол?*
*Бекорми шунча заҳмат?!*
*Наҳот буюк бобомиз*
*Бизга қилмас марҳамат?!*

*Очиғи бу саволга –*
*Менда аниқ жавоб йўқ!*
*Навоийни билмасак*
*Ҳурмат, ҳиммат, савоб йўқ!*

*Уйқудан уйғонайлик*
*Вақт етди, замон келди.*
*Навоийни қўлида*
*Қаламмас, камон келди.*

*Ким «Хамса» ўқимаса*
*Нишонга олинади.*
*Қўл оёғи боғланиб*
*Сандиққа солинади.*

*Шеърият Эверести*
*Ҳазрати Мир Алишер.*
*Бу дунёда қай шоир*
*Тенг келаман унга дер!*

*Навоий Навоийда*
*У Ҳиротдан қўл чўзар.*
*Навоийнинг вориси*
*Бир кун барчадан ўзар.*

***Бахтиёр ХОЛМИРЗАЕВ.***

**Тадбир**

# «НАВОИЙ ГУЛШАНИ»

**Вилоят тарихи ва маданияти давлат музейида мутафаккир, шоирлар султони Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий-бадиий, кўргазмали кеча шундай номланди. Унда шоир ихлосмандлари, мактаб ўқувчилари ва талаба ёшлар иштирок этди.**

Анжуманда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раиси Зиёвиддин Мансуров, НамДУ доцентлари ва филология фанлари номзодлари Фарида Каримова, Обидхон Каримов, педагогика фанлари номзоди, доцент, олим ва ижодкор Алижон Турдалиев, Турон фанлар академияси академиги, шоир Абдулла Жалил, Боқий Мирзо ҳамда Лутфулло Маҳмуд, музей катта илмий ходими Алижон Азизовлар ўз шахсида замон ва маконлар оша яшай оладиган фазилатларни мужассам этган, ақл-заковати, илм-ҳунари ва тафаккури билан туркий эл, айнан ўзбек миллатининг жаҳонаро юксак нуфузини таъминлаётган даҳолардан бўлган Алишер Навоий ҳаёти, ижодий мероси ва уларнинг аҳамияти ҳақида сўзлади.

Ижодкорлардан Муҳаммад Мирзо, Мусохон Акмалов, Ўктамхон Холдороваларнинг ўз шеърларидан намуналар тақдим этишлари билан адабий-бадиий кеча завқли мушоирага айланиб кетди.

Вилоят мусиқали драма театри хонандалари, «Шуҳрат» медали соҳибаси Дилфуза Қодирова ва Дилмурод Воҳидов ижросидаги мумтоз наволар, театр актёри Мирмаҳмуд Мусабоевнинг Навоий қиёфасини жонлантириб, даврага кириб келиши ва гўзал ғазаллар мутолааси, Наманган шаҳридаги 11-сонли болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда 7-умумтаълим мактаби ўқувчилари томонидан ўқилган рубоий, ғазал ва куй-қўшиқлар тадбирга ўзгача завқ, қатнашувчилар кайфиятига кўтаринки руҳ бағишлади.

Тадбирдан сўнг меҳмонлар буюк шоир ижодига бағишланган «Ғазал мулкининг султони – маънавият гултожи» номли кўргазмалар залини томоша қилдилар.

**Фотимахон ТОШМАТОВА.**

# ИНСОНИЙЛИК САБОҒИ

**Ҳар бир миллатнинг маънавият хазинасида қуёш янглиғ нур сочиб турган бебаҳо мероси бор. Улар орасида ҳазрат Навоийнинг адабий мероси улкан тоғ янглиғ бутун дунё халқларига ҳам кўриниб турибди. Алишер Навоийнинг инсоний фазилатлари эса алоҳида мавзу.**

Шоир ўз даврида масжид ва мадрасалар қуришда, йўллар ва кўприклар, халқ учун хизмат қиладиган иншоотлар бунёд эттиришда жонбозлик кўрсатган. «Ихлосия», «Низомия», «Шифоия» мадрасалари, «Халосия» хонақоҳлари ва ўнлаб кўприкларни барпо эттирган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳазрат ўзлари бунёд эттирган мадрасаларда таҳсил оладиган талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб, уларнинг таҳсил олишлари-ю, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан доимо таъминлаб келганлар.

Таърифларда келтирилишича, Навоий ҳазратлари ўз маблағларининг 98 фоизини халқ фаровонлиги йўлида эҳсон қилар, қолган 2 фоизинигина ўз эҳтиёжларига сарфлар эканлар. «Макорим-ул аҳлоқ»да ёзилишича Навоий маориф, маданият, бинокорлик ва ободонлаштириш ишларига жуда катта пулларини йўналтирган. Бу ишлар билан қаноатланмасдан халққа солинадиган солиқларни ҳам ўзи тўлаб юборган. Масалан, у Ҳирот аҳлига солинган катта солиқнинг ярмини халқ қийналмаслиги учун ўзи тўлаб юборган.

Тарихий манбаларда ёзилишича, бу улуғ зотнинг бинолар ва вақфларга сарф қиладиган маблағи 500 туман (500 000 000) кепакига баробардир. Бошқа амалдорлар бойликларини ўз манфаатлари йўлида исроф этсалар, Навоий ўз эҳтиёжларини ҳам чегаралаб, хизматчилар сақламасдан, оддий фуқародек яшаб, ўзининг бутун мол-мулкини халқ саодати учун сарф этар эди.

Саховатпешалик, одамийлик, меҳру-муҳаббатда намуна бўлган Навоий ўз асарларида ҳам инсонларни яхшиликка ундаш орқали, бир-бирларини қўллашга, эҳсонли ва гўзал хулқли бўлишни инсоний фазилат деб билишга чорлайди.

Том маънода Навоий саховат боғининг боғбони, илм-маданият аҳлининг чинакам ҳомийси, илм-зиё нурини сочувчи чароғбон қуёшидир.

**Ойдинахон МАМАТЮНУСОВА,**
**Марҳабохон ҚУРБОНАЛИЕВА,**
**Чортоқ туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқитувчилари.**

# ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги «Шоли етиштиришни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4973-сон қарорида белгиланган топшириқлар ижросини ўз муддатида таъминлаш мақсадида, жорий йилда вилоятнинг Мингбулоқ ва Уйчи туманларида 250 гектар майдонда уруғчилик хўжаликларини ташкил этиш мақсадида 5 февралдан 15 кун муддатда танловни ўтказиш ва талабгорлар рўйхатини шакллантиришда қуйидагилар эътиборга олинади:

- деҳқончилик маданиятининг юқорилиги;
- уруғлик шоли етиштириш учун ажратилган ер майдони 10 гектардан кам бўлмаслиги;
- экин майдонларининг юқори ҳосиллилиги, ер балл бонитетининг 60 баллдан юқори эканлиги;
- фермер хўжалигида уруғчилик тажрибасига эга, малакали агроном борлиги ва уруғчилик талабларига риоя этиш мажбурийлиги;
- етарли қишлоқ хўжалиги техникаларининг мавжудлиги;
- сув таъминотининг етарлилиги;
- фермер хўжалигининг молиявий ҳолати ҳам ҳисобга олинади.

Тендер танловида иштирок этиш истагини билдирган фермер хўжаликлари раҳбарлари жорий йилнинг 5 февраль кунидан бошлаб 20 февраль кунига қадар туман ҳокимлиги томонидан тузилган «Тендер танлови ўтказиш комиссияси»га мурожаат қилишлари мумкин.

Тендер танлови ўтказиш тўғрисида батафсил маълумотларни Мингбулоқ ва Уйчи тумани қишлоқ хўжалиги бўлимларидан олишлари мумкин.

**ВИЛОЯТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ БОШҚАРМАСИ,**
**«УРУҒЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ» ДК НАМАНГАН ВИЛОЯТИ БОШҚАРМАСИ.**

Эълон

# «ЖАҲОН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АРАЛАШ МОЛЛАРИ САВДО КОМПЛЕКСИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси» АЖ 2021 йил 27 февраль куни соат 11.00да жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши Наманган шаҳри Усмон Носир кўчаси, 12-уйда жойлашган «Namangan Dori-Darmon» AJ биносининг мажлислар залида ўтказилади. Акциядорларни рўйхатга олиш 10.00да бошланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2021 йил 2 февраль ва акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санаси 2021 йил 23 февраль.

**КУН ТАРТИБИ:**

1) Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

2) «Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси» АЖ ҳудудидаги бўш турган ер майдонларининг бир қисмини Наманган шаҳар ҳокимлигининг ер захирасига ўтказиш тўғрисида.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар ўзлари билан шахсини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома, юридик шахс акциядорнинг вакили эса шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва юридик шахс раҳбарининг имзоси ҳамда ушбу юридик шахснинг муҳри билан тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган материаллари билан «Жаҳон ихтисослаштирилган аралаш моллари савдо комплекси» АЖга душанбадан жумагача соат 09.00 дан 16.00 гача ёзма мурожаат этишлари лозим. Тақдим этилиши лозим бўлган материаллар ёзма мурожаат келиб тушган санадан бир кунлик муддатда тақдим этилади.

| | | | |
|---|---|---|---|
| ШАНБА, 6 | Ҳаво ўзгариб туради. | +12 | +5 |
| ЯКШАНБА, 7 | Ҳаво булутли бўлади. | +9 | +6 |
| ДУШАНБА, 8 | Ҳаво булутли бўлади. | +10 | +5 |
| СЕШАНБА, 9 | Ҳаво булутли бўлади. | +12 | +4 |
| ЧОРШАНБА, 10 | Ҳаво булутли бўлади. | +13 | +5 |
| ПАЙШАНБА, 11 | Ҳаво кам булутли бўлади. | +16 | +3 |
| ЖУМА, 12 | Ҳаво ўзгариб туради. | +12 | +2 |

**Тафаккур**

*Тилдан етган озор найза озоридан ёмондир.*

Наманган ҳақиқати

Муассис:
**Наманган вилояти ҳокимлиги**
Бош муҳаррир
**Акрамжон САТТОРОВ**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона:** (69) 227-89-43.
**Котибият:** (69) 227-91-25, (69) 227-91-30 (факс).
**Маданият бўлими:** (69) 227-95-21.
**Давлат қурилиши ва қонунчилик бўлими:** (69) 227-91-50.
**Ахлоқ бўлими:** (69) 227-91-50.
**Умумиқтисодиёт бўлими:** (69) 227-96-60.
**Хатлар ва оммавий ишлар бўлими:** (69) 227-93-39.
**Эълонлар бўлими:** (69) 227-91-19.
**Ҳисобхона:** (69) 227-98-31.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 22 декабрда 08-0001 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

**Таҳририят манзили:** 160108. Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.

**Индекс:** 5000.

**Навбатчи муҳаррир:** Р. Мажнунова.
**Навбатчи:** О. Дадабоев.
**Мусаҳҳиҳ:** Н. Юнусов.
**Саҳифаловчи-дизайнер:** Абдуқаҳҳор Юлибоев.

Таҳририятга 14 шрифт, 1,5 интервалда 5 қоғоздан ортиқ (шунингдек қўлёзмалар ҳам) мақолалар қабул қилинмайди. Топширилган материаллар эгасига қайтарилмайди.

«Poligraf press» МЧЖда офсет усулида чоп этилди.
**9917** нусха.
**Қоғоз бичими** – А-2.
**Ҳажми** – 2 босма табоқ.

**Корхона манзили:** Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 (б)-уй.

**Буюртма**: 84.
**Босишга топшириш вақти:** 17.00
**Топширилди:** 20.00

**Сотувдаги баҳоси: 3000 сўм**

www.namhaqiqat.uz
@namanganhaqiqati
nam-haqiqat@umail.uz

**ISSN:** 2091-5853

Ⓡ – белгиси билан тижорий мақолалар берилади.